

бири Се-поя (Үш ошак). Темур тарийхшыларының бири Нызамаддин Шаһи «Зафарнама» («Темур зафарнамасы») китабында Амир Темурдың Хорезмге биринши (1972-ж.), үшінши (1378-ж.) жүрислери ҳаққында жазып Мавереннахрдан (Бухара) Кятка (Беруний) шекемги жайлардың бирин Се-поя деп атайды [6:119]. Ибн Арабшах, Шарафуддин Али Йазди ҳәм 1438-жылы Хорезмге (Үргенишке) келип

саўда ислеген Шыраз қаласы (Иран) саўдагери Мухаммед Хожа дереклери бизиң пикиримизди және де толықтырады. Солай етип, биз ерте Орта әсирлерден баслап Амир Темур ҳәм Темурийлер дәуириңде ҳәм бурынғы заманлардағыдай Арал бойы, Хорезмнен Батысқа (Үстирт аркалы), Шығысқа (Мавереннахр аркалы) кететуғын саўда жоллары ҳәм олардың бойындағы қалалар мәдениятының раўажлануында болғанын көремиз.

Әдебиятлар

1. Хожаниязов Г.Х. О культурных связях средневековой Средней Азии с Китаем (по материалам Южного Приаралья) // Вопросы археологии, этнографии и истории Южного Приаралья / Материалы Международной научно-теоретической конференции. – Нукус: «Каракалпакстан», 2011.
2. Кдырниязов О.Ш. Хоразм воҳаси урбанистик цивилизация тарихи (Илк ўрта аср). – Нукус: 2015.
3. УзСЭ. 11-китап. – Тошкент: 1978.
4. Буюк сиймолар, алломалар. 1-китоб. – Тошкент: 1995.
5. Темур тузуклари. – Тошкент: 1991.
6. Шарафуддин Али Йазди. «Зафарнома». – Тошкент: 1992.
7. Федоров-Давыдов Г.А. Раскопки квартала XV-XVII вв. на городище Таш кала // Труды ХАЭЭ. Том II. – М.: 1958.
8. Мамбетуллаев М.М., Хожаниязов Г.Х. Хивинский клад // Вестник ККОАН РУз. 2004. №1-2.
9. Хожаниязов Г., Хакимниязов Ж. Городище Дакескен-Вазир. – Нукус: 1993.

Мақолада Буюк Ипак йўлидаги ва Устюрт текислигидаги савдо йўлларнинг йўналишлари, иқтисодий, савдо-сотиқ маданий алоқалар натижасида пайдо булган шаҳарлар, қарвон-саройлар, минорларнинг вужудга келиши ҳақидаги археологик ва ёзма манбалар маълуматлари берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы направления торговых путей, торгово-экономические и культурные связи, возникновение городищ, караван-сараяв, сигнальных башен по трассе ВШП на отрезке вдоль чинка и на плато Устюрт. В работе привлекаются письменные источники.

SUMMARY

The article deals with the questions of the directions of trade ways, trade-economic and cultural relationship, origin of towns, caravan-shed, signal towers on the route Great Silk Road and on the Plateau Ustyurt. The written sources have been used in the work.

КЎҲНА УРГАНЧ – ШАРҚ МАДАНИЯТИ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИ

Б.К.Турганов – тарих фанлари номзоди

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: Хоразм, ўрта аср, ёзма манбалар, археологик материаллар, шаҳарлар, саёхатчилар, илм-фан, таълим, тўқимачилик, хунармандчилик, савдо- иқтисодий муносабатлар, хунармандчилик маҳаллалари.

Ключевые слова: Хорезм, средние века, письменные источники, археологические материалы, города, путешественники, наука, образование, качество, ремесло, торгово - экономические отношения, ремесленные кварталы.

Key words: Khorezm, medieval, written sources, archaeological materials, cities, travellers, science, education, weaving, handicraft trade-economic relations, handicraft villages.

Марказий Осиёдаги қадимий шаҳарлардан бири Кўҳна – Урганчдир. Шаҳар қарийб 2500 йиллик тарихга эга бўлиб, илк маълумотлар Хитой манбаларида Юе-Гань (Урганч) номи билан учрайди.

Хоразм археологик экспедицияси томонидан 1952 йилги Кўҳна-Урганч шаҳридаги тадқиқотлар жараёнида Хоразмшоҳлар, Олтин Ўрда, Темурийлар ва сўнгги ўрта асрларга оид маданий қатламлар очилди. Айниқса, ёдгорликда IX-XVII асрларга оид бой маданий қатламлари сақланган. Кўҳна - Урганчнинг Қирқ-мулла тепалигида 1989-1992 йиллардаги тадқиқотлар шаҳар ёши ёзма манбалардаги маълумотларга нисбатан қадимий, яъни мил. ав. V-II асрларда асос солинганлигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида ёдгорлик 2500 йиллик тарихга эга, қадимий шаҳар бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Маълумки, Хоразм араблар истилоси даври (VIII аср боши)да иккига ажратилган. Бу даврда Жанубий Хоразм маркази Кот шаҳри бўлса, Шимолий Хоразм пойтахти Журжония (Урганч) шаҳри эди. Урганч ҳокими Маъмун ибн Муҳаммад 995 йилда Хоразмни ягона давлат сифатида бирлаштиради [1:156].

Кўҳна – Урганчнинг Шарқдаги йирик маданий марказлардан бирига айланиши IX-X асрлардаги сиёсий ва маданий – иқтисодий омилларга боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Ўша давр манбаларида Урганч шаҳри Марказий Осиёдаги йирик маданий марказлардан бири сифатида эътироф этилади. Муаллифлардан Ат-Табарий (839-923) араблар босқинчилиги давридаги Урганчни Хоразмдаги йирик учта шаҳардан бири сифатида келтириб ўтади [6:235]. Сайёх Истахрий (930 -933 йй.) Хоразмдаги ўн учта шаҳарни санаб ўтади. Улардан Урганч ҳақида ёзишча, «... Бу Хоразмда пойтахт (Кот шаҳри)дан сўнгги катта марказ: шаҳар ғўзал билан савдо жойи ва у ердан сўнг савдо қарвонлари Журжон, ҳазарларга, Хозораспага жўнайди». Муаллифи номаълум «Худуд ал-Алам» асарида (X аср) Хоразмдаги тўққиз шаҳар номи келтирилади. Улардан Урганч тўғрисида «Урганч қадимда Хоразмшоҳлар (Африғийлар)га тегишли шаҳар бўлиб, ҳозир унинг ўз ҳукмдори (Амир) бор, шаҳар жуда бой, Туркистон дарвозаси, савдогарлар учрашадиган жой» -дея таърифланади [5:216].

Географ олим Ал-Мукаддасий (985 йй.) воҳадаги ўттиз икки шаҳар номини келтиради. Муаллиф Урганч шаҳри тўғри-

сида: «Журжония (Урганч) Хуросон томондаги бош шаҳар, ...У Хоразм пойтахти - дарё соҳилида жойлашган дея унинг топографияси, ал-Маъмун даврида қурдирилган сарой ва унинг чиройли аркалари ҳақида маълумотлар бериш билан бирга, - у (Урганч) жойдан Замахшар, Жигарбанд, Жаз, Жит (Пулжой) орқали «Катта йўл (Буюк ипак йўли тармоғи)» ўтган»-дея бир қанча батафсилроқ маълумот беради [5:202].

Кўриниб турибдики, Хоразмда X асрдан урбанизацион жараёнлар юксак даражада тараккий қилган.

Айниқса, Урганч Ануштакинлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (1097-1231) Шарқдаги йирик иқтисодий ва маданий марказлардан бири сифатида гуркираб ривожланди. Албатта, ўша даврдаги воҳа шаҳарлари тараккийида Хоразмнинг Шарқдаги йирик, қудратли давлатлардан бирига айланиши асосий омиллардан бири бўлса, иқкинчидан ҳалқаро савдо-сотиқнинг ривожланиши шаҳарларда хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш муносабатларини рағбатлантирди. Ўша даврда Урганчликлар томонидан яратилган хунармандчилик буюмлари Шарқ давлатларида юксак баҳоланади.

Бу ҳақида муаллифлардан ал-Кураши (XIII аср боши) Хоразм шаҳарларида тахминан 50 га яқин ихтисослашган хунармандчилик соҳалари мавжудлигини, Закарийа ал-Казвини (XIII аср) эса, «Урганч (Кўҳна-Урганч) аҳолиси моҳир хунармандлар, айниқса, темирчилик, дурадгорлик ва бошқа соҳалар ўз замонасида юксак ривожланган» дея таърифлайди [2:102,228]. Шаҳар хунармандлари нафақат маҳаллий хом-ашёдан буюмлар ясаган, балки ташқаридан келтирилаётган фил суяги ва эман дарахтидан бадийий ўймакорлик маҳсулотларини ясада ҳам жуда моҳир бўлишган.

Ўрта асрларда кенг тарқалган ва тараккий қилган хунармандчилик соҳаларидан бири тўқимачилик бўлган. Ал-Мукаддасий, Ал-Истахри ва «Худуд ал-Олам» асарларида ёзилишича, X асрда Урганчдан ташқи савдога пахта (қарбос), жун матолари, қимматбаҳо гиламлар, «арзанж» -деб номланган пахта газламаси чиқарилган [5:180,216]. XIII аср муаллифлари Шихобуддин Муҳаммад ан-Нисовий, Закарийа ал-Казвини, Жувайний, Рашидуддин ибн Фазлulloх маълумотларига кўра, Урганж шаҳрида табиий ипақдан газламалар тайёрловчи хунармандчилик устахоналари фаолият кўрсатишган [2:102,228].

Бундан ташқари, Закарийя ал-Казвини (XIII аср) «Гурганж аёллари моҳир кашта тикувчилар» дея мадх этса, XIV-XV асрлар муаллифи Абдурашид ал Бакувий Гурганжнинг моҳир зардушлари ҳақида «Гурганж аёллари ажойиб газламаларни игна билан зар-ипларда тикишади» дея юқоридаги маълумотларни яна бир қарра тасдиқлайди [2:102,228].

Закарийя ал-Казвини (XIII аср) таъкидлашича, «Гурганч – Жайхун соҳилидаги қўшлаб аҳоли жойлашган катта шаҳар. Шаҳар – икки қисмдан туради, бири иккинчиси ичида жойлашган. Кичик шаҳар (ал мадина ас саҳра) шаҳристон деб номланади. У деворларга ва бир неча дарвозага эга, катта шаҳар (ал мадина ал-кубра) кичик шаҳарни қуршаб туради ва у ҳам девор ва дарвозаларга эга. Катта шаҳар тоқзорлар ва боғлар билан айлана қуршалиб, у ҳам экинзорлар ўртасида жойлашган». Муаллиф шаҳрининг гўзаллигини таърифлар экан: «Фаришталар қуршовидаги жаннатга қиёслайди» [2:101].

Ёқут ал-Ҳамавийнинг Урганч ҳақидаги махсус мақоласида шаҳарни батафсил тавсифлайди: «Урганч ўлка пойтахтининг номидир. Бу Жайхун (Амударё) соҳилида жойлашган катта шаҳар. Хоразм аҳолиси уни ўз тилида Курканж (Гурганч) деб атайти, аммо бу ном арабчалашиб, бизда Журжония деб талаффуз қилинади... Мен бу ерга 616 йили (1219-1220) борган эдим, ҳеч қаерда бундай гавжум ва яшнаган ўлкани кўрмаганман. Экинлар ёппасига парвариш қилинган, қишлоқлари қатор тушган, алоҳида ҳовлиро чорбоғлари қўп, даштда ҳам қўрғонлар қўп. Ўлканинг рустоқларида (қишлоқ жойлари) парваришланмаган, нообод жойни топиш қийин Хоразмнинг деярли барча шаҳарларида мол-товар ва дўкон расталарга бой бозорлар бор, бозори бўлмаган қишлоқ камдан – камдир» [3:20-21; 5:419]. Ёқут ал-Ҳамавий ўлканининг иқтисодий тараққиёт килганлигини, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишларининг юксак даражада эканлигини таърифлаган эди.

Мирзо Улуғбекнинг (XV аср) «Тарихи арбаъ улус» асаридаги маълумотлар мўғиллар босқинчилигига қадар (1221 йил) Урганч барча маданий соҳаларда юксак тараққиёт килган шаҳар бўлганлигини кўрсатади. Унда ёзилишича, «мўғил қўшини Урганчни етти ойлик қамалдан сўнг истило қилгандан кейин 100 минг одамни ўлдирган, 100 минг аҳли ҳунар ва аҳли санъатни Мўғилистон тарафга ҳайдаб кетганлар» [1:329]. Худойберди ибн Қўшмухаммаднинг (1831-1832) «Дили ғаройиб» асарида ёзилишича: Хоразмнинг яна бир шаҳари Гурганч бўлиб, Чингизхон тарафидан вайрон этилган. Ушбу золим келгунга қадар унинг 12 жумъа масжиди бўлиб, ... уларнинг ҳар бири уч танобдан майдонни эгаллаган эди. Унинг теварагида дарахтлар ичида чўмган (обод) намозгоҳлар бўлиб, уларнинг ҳар бирига (намоз қилари) уч-тўрт лак халқ тўпланар эди. Уларнинг ҳар бирида 1000 тадан одам хизмат қиларди.

XI-XIV асрларда Кўхна-Урганч 1000 га майдонни эгаллаган йирик шаҳарлардан бири бўлганлигини археологик тадқиқотлар ҳам тўла тасдиқлайди [4:11].

Демак, ушбу рақамлар Урганчнинг мўғиллар истилоси арафасида Шарқдаги йирик маданий марказларидан бири эканлигини яққол эътироф этади.

Адабиётлар

1. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. -Тошкент: «Ўқитувчи», 1994.
2. Бунятзов З.М. Государство Хоразмшахов –Ануштегинидов. –М.: 1986.
3. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. –Тошкент: 1993.
4. Кдырнязов М-Ш. Культура Хорезма XIII-XIV вв.//Автореф. Дисс. на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Самарканд: 2005.
5. Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. I. -Москва-Ленинград: 1939.
6. Толстов С.П. По следам древнехорезмской цивилизации. –М – Л.: 1948.
7. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. –Тошкент: «Шарқ», 1997.

Мақола Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бири Кўхна Урганчнинг ёзма ва археологик манбаларда тавсифланишини ўрганишга бағишланган. IX-XV асрларда Кўхна Урганч нафақат Ўрта Осиёда, балки Шарқдаги йирик маданий марказлардан бири бўлган. Уша даврларда шаҳарда архитектура, ҳунармандчилик, савдо - сотиқ, таълим, илм-фан каби иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳалари тараққиёт килган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается изучению письменных и археологических материалов. города Куна-Ургенч- одного из древних городов Средней Азии. В IX-XV веках Куна-Ургенч был одним из культурных центров не только Средней Азии, но и Востока. В этот период в городе развивались такие сферы экономической и культурной жизни, как архитектура, ремесленничество, торговля, образование и наука.

SUMMARY

The article deals with learning Kuhn-Urgench, one of the ancient cities of Central Asia, on the basis of written and archaeological resources. In the article it is mentioned that Kuhn-Urgench was a great cultural center of not only in Central Asia, but in the East too. At that period there were developed such spheres of economic and cultural relations as architecture, handicraft, trade, education and science.